


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022
IYUN
№41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00



www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 29 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Махмадиёров Искандар Шодиёр ўғли	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИ- РИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ (ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ)	7
2. Шодиев Акбар Ашуроевич	
МҲҲСГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.	9
3. Одилбеков Шаҳбозбек Шуҳратжон оғлы	
БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И ПЕРЕХОД НА МЕЖДУНАРОД- НУЮ СИСТЕМУ	11
4. Т.В. Mamatqulov	
SANOAT KORXONALARINING IQTISODIY RIVOJLANISHI VA SIFAT MENEJMENTI TIZIMINING HUQUQIY ASOSLARI.....	13
5. Искандаров.Ҳ,Х, Умаров.С.Р	
СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ЎРНИ.....	16
6. Эргашев Ақмал Абдурасул ўғли	
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	18
7. Sharofiddinov Nozimjon O'ktam o'g'li	
MONOPOLIYA. MONOPOLIYANING SALBIY TARAFLARI	20
8. Содикова Феруза	
САНОАТНИНГ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ	22
9. Sharofiddinov Nozimjon O'ktam o'g'li, Xolmatov Islomjon G'ulom o'g'li	
TADBIRKOR KIM VA UNING SHAKLLARI HAQIDA	24
10. Urakov Mamurali Odil oglu	
MEASURES AND INDICATORS OF ORGANIZATION OF LABOR RESOURCES ACTIVITY.	25



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ (ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ)

Махмадиёров Искандар Шодиёр ўғли
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети магистранти
Телефон: +998979515511
I_makhmadiyorov@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги техника ва модернизация даврида ҳар бир соҳа ривожини инновацияларсиз тасаввур қила олмаймиз. Шу жумладан, мамлакат иқтисодиётини ричаги ҳисобланувчи банк тизимида ҳам банклар томонидан амалга ошириладиган операцияларга ва улар кўрсатадиган хизматларга инновацион ёндашиш – бу ҳозирги замон талаби ҳисобланади. Мазкур мақола тижорат банкларида инновацион банк хизматларини ривожлантиришниң ўзига хослиги ҳамда ушбу жараёнда хориж тажрибасини таҳлили ҳақида ёритиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Тижорат банклари, банк хизматлари, инновацион банк хизматлари, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, рақамли банк, хориж тажрибаси.

Илм-фан ва ахборот технологиялари қанчалик тараққий этса, инсонларнинг улар билан боғлиқ эҳтиёжлари ҳам шунчалик такомиллашиб боради. Айниқса, банк мижозлари гайриоддий, юқори даражада интеграллашган ва инновацион маҳсулотларни ҳохлашмоқда. Ваҳоланки, доимий устунликни яратиш ва ишончни сақлаб қолиши учун чакана банклар мижозларнинг ҳозирги ва келгусидаги эҳтиёжлари ҳамда уларни қандай қондириш кераклиги тўғрисида тинимсиз ишлашлари керак. Бундай имкониятларга эса факат замонавий янги технологияларни жорий этиш, анъанавий банк хизматларини рақамлаштириш орқали эришиш мумкин.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, COVID-19 пандемияси даврида масофавий банк хизматлари ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёж ошиб, бугунги кунда ҳам доимий заруриятга айланди. Бу ўз-ўзидан янги рақамли банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш жараёнининг шиддат билан ривожланиши ва кенгайиши ҳамда уларнинг диверсификациялаш босқичларининг ҳам тезлашишишга олиб келди.

Бошқача айтганда, коронавирус пандемияси молия институтларининг банк соҳасида рақамли ўзгаришларини тезлаштириш зарурлигини кўрсатди. Аммо, ўзгарувчан даврга ҳамоҳанг бўлиш ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган нокулайлик (risk)лардан олдинда туриш учун банк соҳаси бизнес моделларини ҳозирги ва кейинги фаолияти учун мослаштириши керак. Блокчейн, булатли ҳисоблаш ва ПОТ (Industrial Internet of Things) каби энг янги технологияларни ўзлаштириш ҳақиқий рақамли банкнинг асоси ва тўлиқ трансформациясидир.

Ҳар қандай трансформация стратегиясининг асосида истеъмолчи туради. Фоиз ставкалари 0 фоизга яқинлашганда, банк тўловлари кескин пасайиб, мижозлар кутаётгани кенгайиб бораётганлиги сабабли молия институтлари бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва харажатларни камайтириш учун ўзларининг катта маълумотларини оптималлаштиришлари керак. Сунъий интеллект, булатли технологиялар ва автоматизация билан ўз дастурларини модернизация қилиш орқали банк маҳсулотларини, хизматларини ва функционаллигини жадал ривожлантиришлари мумкин. Бу мижозлар тажрибасини яхшилашга, ишонч ва садоқатни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Албаттга, банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва ўзига хос банк технологияларини яратиш ҳамда уларосида инновацион рақамли банк хизматларини тақдим этиш кўп жиҳатдан банк бошқарув стратегиясига боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк жами активлари бўйича энг иирик 20 та жаҳон банклари фаолияти ўрганилганда, ушбу банклар фаолиятининг барқарор ривожланиши кенгайиб боришининг бир қатор умумий



ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Хусусан, катта миқдорда бошланғич капиталнинг мавжудлиги, муқаммал истиқболли стратегиянинг мавжудлиги, мижозлар билан реал ва ҳаққоний муносабатнинг ўрнатилиши, ишончли мижозларнинг кувлаб-куватланиши, активларни истиқболли лойиҳаларга йўналтириш, рискларни тўғри баҳолаш, аниқ механизмлар асосида якуний қарор қабул қилиш ва бошқаларни келтириш мумкин (1-расм).



1.3.4-расм. Жаҳоннинг йирик банклари фаолият юритишидаги тамоиллар (тажрибалари)¹

Халқаро миқёсда фаолият кўрсатадиган банкларда рисклардан ҳимояланиш тизими мавжуд, яъни, агар асосий жойлашган давлат иқтисодиётида турғунлик ёки пасайиш кузатилса, ундан кўриладиган заарлар бошқа давлатлар ҳисобига келадиган даромадлар ўртасида ўзаро тақсимланиб, умумий рентабилликка эришиш ёки заардан сақланиб қолиш имкони юқори бўлади. Шу боис, халқаро банклар маҳаллий банкларга нисбатан устунликка эга бўлишади.

Бундан ташкири, маҳаллий банклар одатда рақамли трансформация зарурлигини яхши билишади ва рақамли трансформацияни банклар учун мижозларга хизмат кўрсатишнинг бошланғич нуқтаси сифатида қабул қиласи, рақамли воситалардан фойдаланган ҳолда юқори сифатли молиявий хизматларни яратади, рақамли ишлаш қобилиятини яхшилайди ҳамда фавқулодда вазиятлар ва рискларга жавоб бериш қобилиятини оширади.

Зеро, инновацион хизматлар орқали банк фаолиятининг ички ривожланишини кучайтириш – бу FinTech нинг жадал ривожланиши остида бозор рақобатига жавоб беришнинг табиий танловидир. Шунингдек, бу банкларнинг умумий қиймат яратиш тизимини ва бизнес моделини қайта шакллантиради. Банклар зудлик билан ислоҳотлар бўйича келишувга эришишлари, трансформация жараёнида юзага келадиган барча қийинчиликларни чукур баҳолашлари ва олдиндан тайёр бўлишлари лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкин-ки, шиддат билан ривожланаётган ҳозирги техника даврида хар бир соҳа ривожини инновациялар ва технологияларсиз тасаввур қила олмаймиз. Шу жумладан, мамлакат иқтисодиётини ричаги ҳисобланувчи банк тизимида ҳам банклар томонидан амалга ошириладиган операцияларга ва улар кўрсатадиган хизматларга инновацион ёндашиш – бу ҳозирги замон талаби ҳисобланади. Ушбу технологиялар даврига мослашиш жараёнида биз банк тизимида инновацион хизматларни қўллаш бўйича етарлича ютуқقا ҳамда тажрибага эришган ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда ижобий натижага эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони.
2. Alexandra Twin, Khadija Khartit. Understanding Bank Credit, electronic resource.
3. Bank Deposits: Underlying Dynamics // RBI Bulletin May 2019, 35 p.<https://fxssi.com>

1 <https://fxssi.com> сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



МХХСГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.

Шодиев Акбар Ашуревич
ТДИУ тадқиқотчиси

Аннотация. МХХСга асосан молиявий ҳисоботларни тузиш тартиблари, асосий тамойиллари, эътиборли жиҳатлари келтирилиб изоҳлаб берилган. Молиявий ҳисоботларнинг ишончли ва нейтрал бўлиши учун эътибор берилиши зарур бўлган жараёнлар кўрсатиб ўтилган. Молиявий ҳисоботларни эълон қилишда аудиторлик текширувининг зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Таянч сўзлар: ишончлилик, нейтраллик, сифат кўрсаткичлари, дунё тажрибаси, тажрибали ҳисобчилар, молиявий ҳисоботларнинг ўзига хусусиятлари ва тамойиллари.

Ҳалқаро стандартлар асосида корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини яратиш бир қанча тамойилларни ўз ичига олади. Молиявий ахборотларни прогнозлаш ва тасдиқловчи функциялари бир-бирига боғлиқdir. Корхона ихтиёрида бўлган активларнинг жорий даражаси ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар корхонанинг мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва кутилмаган вазиятларда қандай йўл тутиши фойдаланувчилар учун муҳимdir. МХХСга мувофиқ фойдали бўлган маълумотлар иқтисодий қарорларга таъсир эса, демак, ўтмишдаги, хозирги, келажакдаги жараёнларни баҳолашга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботнинг сифат хусусияти. Молиявий ҳисоботлар сифат хусусиятига жавоб берса демак бу ҳисоботлар фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади. Сифат хусусиятларига ҳисоботнинг тушунарлилиги, долзарблиги, ишончлилигидан ташкил топади.

Мувофиқлик. Амалиётда прогнозлаш учун молиявий ҳолат ва ўтган даврлардаги операциялар натижалари тўғрисидаги маълумотлардан манба сифатида фойдаланилади. Бугунги кунда корхонанинг молиявий ҳолати фаолиятнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида етарли маълумотлар бўлмаса, ҳисоботга қўшимча тушунтиришлар киритилади. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботдаги маълумотларнинг нейтраллиги таъминланиши керак. МХХС бўйича аниқлик, тушунарлилик маълумотнинг энг асосий сифати ҳисобланади. Бу сифат кўрсаткичи фойдаланувчига тақдим этилаётган молиявий маълумотларни осон ва тезда тушунишларини кўрсатади. Маълумотлардан фойдаланувчилар иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарли малака ва билимга эга бўлишлари шарт. Аммот молиявий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган бироқ, тушуниш оғир бўлган иқтисодий маълумотларни ҳисоботдан олиб ташлаш мумкин эмас, бундай маълумотлар фойдаланувчилар учун тушунарсиз бўлиши мукаррар.

Корхона ихтиёрида бўлган обьектларнинг молиявий таъсири шунчалик ноаниқ бўлиши мумкинки, натижада корхона бундай мулкларни молиявий ҳисоботларда тан олмайди[4].

МХХСда мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилини эълон қилди. Натижада хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида уларнинг хуқукий шаклига эмас, балки иқтисодий мазмунига монанд акс эттирилиши зарурлигини кўрсатади. Лекин, амалиётда бу тамойил баъзан юқори аҳамиятга эга саналмайди, бунинг сабаби эса амалга ошириш механизми мавжуд эмас. Яъни, бухгалтерия ҳисобининг барча жараёнлари белгиланган талабларга тўғри келиши лозим бўлган асосий хужжатга таянади. Корхона ҳисобчиси молиявий ҳисоботининг ажралмас қисми бўлган қисми бўлган ўз тушунтиришида бухгалтерия ҳисобининг муҳим усулларини изоҳлаши шарт. Ҳисоботдаги молиявий кўрсаткичларни тўғрилиги молиявий ҳисоботларда жиддий хатолар ва четга чиқишилар йўқлигини кўрсатади. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга мувофиқ молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик хulosasi бўлиши шарт. Бу билан давлат бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларнинг хар қандай манфаатларини муҳофаза қилиб туради[7].

Амалда кўрсатмаларга мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича, ижарачи ҳар қандай асбоб-ускуна ёки бошқа мол-мулкни буюртма қилиши мумкин, лизинг берувчи уни тўлайди ҳамда уни тўлиқ амортизация муддати учун лизинг олувчига ўтказади. Белгиланган ижара муддатида лизинг олувчи мол-мулкнинг қийматини ва ундан фойдаланганлик учун шартномада кўрсатилган фоизларни тўлайди[8]. Бироқ, олинган мулк ўртадаги шартнома



шартларига мувофик, лизингга берувчи ёки лизингга олувчининг балансида рўйхатга олинади ва амортизация қилинади. Бизга маълумки, лизинг муомалалари кўпинча банклар томонидан амалга оширилади, шунинг учун бундай ҳолларда лизингга олинган мулк банк балансида рўйхатга қўйилади. Агар банк корхонага асбоб-ускуналар сотиб олиш учун лизинг шартномаси бўйича эмас, балки кредит шартномаси бўйича узоқ муддатли кредит берса, бундай ҳолатда ускуналар шакли ва мазмуни бўйича корхона балансида ҳисобга олиниб, амортизация ҳисобланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳолатда ҳам асбоб-ускуналар бир хил натижаларга олиб келадиган корхонанинг иқтисодиётида қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобида у турли йўллар билан ўз аксини топади ва молиявий ҳисботларда ўз ва қарз капитали тузилишининг турли хил хусусиятлари ва самарадорлик кўрсаткичларида сезиларли оғишлар кўрсатилади. Молиявий ҳисбот маълумотлари МҲҲСга асосан ишончли бўлиши учун молиявий ҳисботдаги маълумотлар нейтрал бўлиши керак. Агар молиявий кўрсаткичларни танлаш ёки тақдим этиш орқали фойдаланувчи карорига таъсир этса, молиявий ҳисботлар нейтрал ҳисобланмайди[7].

Эҳтиёткорлик тамойили- очиқланмаган захиралар ва ортиқча захираларни яратишга, активлар ёки даромадларнинг кам ёки кўп миқдорда қилиб кўрсатишга, мажбуриятларни ёки харажатларни сунъий равишда ошириб кўрсатишга йўл қўйилмайди. Чунки, молиявий ҳисботлар нейтрал ҳисобланмайди, натижада ишончлиликни йўқотади.

Фойда ва харажатлар ўртасидаги мувозанат бу сифат хусусиятига кирмайди, балки асосий чеклов ҳисобланади. Ахборотдан олинадиган фойда уни олиш харажатларидан юқори бўлиши керак. Шундай қилиб, Молия вазирлигининг меъёрий хужжатларига мувофик, барча корхоналар молиявий ҳисботларнинг белгиланган шаклларини - бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот ва уларга зарурий шаклдаги иловаларни тўлдиришлари талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли Қарори.
2. Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. А.Н. Тўраев - Т.: ТМИ, 2021.
3. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. Таржима. А.Ризакулов, Б.Ҳасанов, А.Усанов, З. Маматов. Т.: - 2004.
4. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. Жалолова Д - Т.: Молия институти, 2004.
5. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари.-Т., “Ўзбекистон иқтисодчилар уюшмаси”, 1999.–1-2 қисмлар.
6. Бухгалтерский учет по международным стандартам финансовой отчетности. Учеб. пос. I, II том/ - Т.: “ИЛМ ФАН РИВОЖ”, 2015.-278 с.
7. International Accounting Standards. The ICA in England and Wales. London, 1989.
8. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари. Мавжуд ҳолат ва истиқбол нималарда намоён бўлади? Илмий мақола. А. Каримов, И. Кўзиев, М. Рахимов, 2020.05.12



БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И ПЕРЕХОД НА МЕЖДУНАРОДНУЮ СИСТЕМУ

Одилбеков Шахбозек Шухратжон оғлы
Андижанский институт экономики и строительства

Аннотация: Основные средства, или основные фонды, предприятия используются не только для производственно-хозяйственной деятельности, но и в конечном итоге влияют на результаты деятельности. Для осуществления своей деятельности предприятия должны иметь необходимые для этого средства труда. Эти и другие вопросы касающиеся учета основных средств и международной системы обсуждаются в этой статье .

Ключевые слова: Основные средства, бухгалтерский учет, потенциальная стоимость, финансировании деятельности, объект учета , финансовая отчетность , международные стандарты

Значимость бухгалтерского учета за последнее время значительно выросла, так как он является важной частью управления производственно-хозяйственной деятельности. Поэтому учет необходим для любого хозяйствующего субъекта. Для осуществления своей деятельности предприятия должны иметь необходимые для этого средства труда. Они являются важнейшим элементом производительных сил и определяют развитие предприятия в целом. В труда выделены в отдельный объект учета, который именуется основными средствами предприятия. Поэтому важную роль в деятельности предприятия непосредственно играет учет основных средств. Основные средства, или основные фонды, предприятия используются не только для производственно-хозяйственной деятельности, но и в конечном итоге влияют на результаты деятельности. Прежде чем задуматься о современном состоянии традиционной национальной системы бухгалтерского учета, следует отметить, что в Узбекистане, как и в других странах, существуют четкие процедуры бухгалтерского обслуживания в субъектах хозяйствования. Если этот процесс регулируется Законом Республики Узбекистан «О бухгалтерском учете» от 30 августа 1996 года, то посредством других принятых документов наш национальный бухгалтерский учет значительно улучшен. Однако, несмотря на эти изменения, управление хозяйствующими субъектами, с одной стороны, функционал в решении проблем, накопленных при разработке и финансировании деятельности, не может выйти за пределы своей оболочки, с другой стороны, структура производственных и сбытовых издержек а финансовые результаты, определяемые значительными затратами, не отвечают требованиям как по форме, так и по содержанию. Многих интересуют нововведения, предусмотренные Постановлением Президента Республики Узбекистан от 24 февраля 2020 года «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности», их важность и необходимость. Естественно предположить, что бухгалтерская отчетность ведется по национальным стандартам уже почти 30 лет, и проблем не возникало.

Международные стандарты финансовой отчетности — это набор документов для составления финансовой отчетности, регламент, регулирующий структуру финансовой отчетности, который используется внешними пользователями для принятия экономических решений об организации. То есть на простом примере можно будет предоставить иностранным инвесторам необходимую информацию для анализа будущего роста или падения акций, ценных бумаг и других видов материальных активов организаций (компаний, корпораций, акционерных обществ), осуществляющих свою деятельность в наша страна.

Преимущество для нас в том, что крупные предприятия нашей страны смогут участвовать в международных финансовых рынках. Например, покупка акций и облигаций иностранными гражданами или юридическими лицами крупных предприятий страны, инвестирование в эти предприятия, в конечном итоге приводит к увеличению поступлений в государственный бюджет в результате развития предприятий. Согласно указу Президента, с 1 января 2021 года акционерные общества, коммерческие банки, страховые компании и юридические лица, входящие в категорию крупных налогоплательщиков, будут переведены на учет на основе международных стандартов финансовой отчетности.

Также важно отметить, что хозяйствующие субъекты, которые добровольно составляют



финансовую отчетность в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности, освобождаются от представления финансовой отчетности в соответствии с национальными стандартами бухгалтерского учета.

Кроме того, рассматривается продвижение успешного международного опыта подготовки специалистов в области международных стандартов финансовой отчетности и расширение сотрудничества с международными организациями в области бухгалтерского учета по поэтапной международной аккредитации учебных программ высших учебных заведений в этой области. приоритет.

Для того, чтобы сделать нашу страну одной из развитых стран, важно добиться стабильного роста ВВП, фискальной стабильности, конкурентоспособности промышленной продукции, а для этого привлечь больше иностранных инвестиций. Следует отметить, что вышеуказанное решение главы нашего государства положило начало новому этапу внедрения международных стандартов финансовой отчетности и реформ бухгалтерского учета в Узбекистане. Поэтому остановимся на некоторых аспектах уровня несоответствия международным стандартам в учетной практике, используемой и ведущейся хозяйствующими субъектами. В частности, пока у бизнеса нет стратегии постоянной подготовки к притоку капитала на приток иностранных инвестиций. То есть ни одна из них не сформировала собственную успешную инвестиционную историю. Ни собственник, ни государство не были заинтересованы в определении реальной, потенциальной стоимости бизнеса. Аудиторское заключение бухгалтера не влияет на заключение успешных сделок. Действующий порядок установления внутреннего контроля не увязан с качеством управления. Кадровая проблема остается актуальной при формировании слаженного коллектива. Такие обстоятельства, безусловно, препятствуют международной гармонизации бухгалтерского учета, его полной адаптации к интеграционным процессам, формированию единого информационного пространства в процессе глобализации.

В заключение отметим, что вопрос ценностей является ключевым вопросом комплексной и качественной реализации решения. Поэтому, говоря на международном деловом языке хозяйствующих субъектов, нашим приоритетом должна быть подготовка специалистов в области бухгалтерского учета, аудита, профессиональных навыков, личного опыта и интуиции, способных раскрывать поток информации от своего имени в понятной для всех форме.

Используемая литература:

1. Воронченко Т.В. Бухгалтерский финансовый учет. – Москва: Юрайт, 2018. – 353 с.
2. Дмитриева И.М. Бухгалтерский учёт и анализ: учебник для академического бакалавриата / И.М. Дмитриева, И.В. Захаров О. Н. – М.: Издательство Юрайт, 2018.
3. Дмитриева И.М. Бухгалтерский учет: учебник и практикум для СПО / И.М. Дмитриева. – Москва: Юрайт, 2018. – 325 с.



SANOAT KORXONALARINING IQTISODIY RIVOJLANISHI VA SIFAT
MENEJMENTI TIZIMINING HUQUQIY ASOSLARI

T.B. Mamatqulov

QarMII Magistr

+998914625656, clash9735@gmail.com

Annotatsiya: Sifat menejmenti tizimini amalga oshirish iqtisodiyot uchun ham foydali hisoblanadi. Buning sababi shundaki, hozirgi vaqtida iqtisodiyotning alohida tarmoqlarini boshqarish davlat ulushi mavjud bo‘lgan ko‘rinishda, ya’ni xo‘jalik boshqaruvi organlari tomonidan amalga oshiriladi. Bunday holatda sifat menejmenti tizimini qo‘llash davlat mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshiradi.

Kalit so’zlar: export, sifat menejmenti, xalqaro standard, akkreditatsiya.

“Biz, avvalo, iqtisodiyotni isloh qilish va erkinlashtirish borasidagi ishlarni yanada chuqurlashtirish, uning soha va tarmoqlarini tarkibiy jihatdan o‘zgartirish bo‘yicha boshlangan ishlarni Jadallashtirishimiz va hududlarni modernizatsiya qilish, ularning raqobatdoshlik darajasini oshirish, eksport salohiyatini rivojlantirish masalalari doimiy e’tiborimiz markazida bo‘lishi lozim”

Sh.M.Mirziyoyev.

O‘zbekiston jahon bozoriga nihoyatda sifatli qorako‘l terisini, pillsagini, sabzavot, poliz va bog‘dorchilik mahsulotlarini eksport qilinayotgan bo‘lsa-da, respublikada qishloq xo‘jaligining don mahsulotlarini eksporti bu boradagi salohiyatidan to‘liq foydalanilayotgani yo‘q. Buni ijobji hal etish uchun respublikamizda yetishtirilayotgan qishloq xo‘jalik mahsulotlarini bosqichmabosqich qayta ishslashni to‘liq o‘zimizda olib borish va shu orqali jahon bozorlariga tayyor mahsulotlarni chiqarish lozim.

Qishloq xo‘jaligida tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish orqali ishlab chiqarishni izchil rivojlantirish, qayta ishslash sanoatini xomashyo bilan uzlusiz ta’minalash orqali mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, ekologik toza mahsulotlar yetishtirishni kengaytirish, agrar sektorning eksport salohiyatini sezilarli darajada oshirish istiqbolda amalga oshirilishi ko‘zda tutilgan eng muhim vazifalardan sanaladi.

Korxonalarda xalqaro standart talablariga muvofiq sifat tizimlarining joriy etilishi raqobat muhitida korxonalar yutug‘ining kafolati hisoblanadi va korxonalar tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirishga va iste’molchilarni sifatli va ekologik xavfsiz mahsulotlar bilan ta’minalash imkonini beradi.

Sifat menejmentining huquqiy asoslarini ta’minalash maqsadida O‘zbekistonda vakolatli organlarning sohani rivojlantirishga qaratilgan qarorlari amalda, jumladan:

Mazkur soha yuzasidan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasini tomonidan chiqarilgan qarorlar, mahalliy ishlab chiqaruvchi korxonalarda xalqaro sifat tizimlarini joriy etish sohasining xuquqiy-normativ asosi bo‘lmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Eksport qiluvchi korxonalarni rag‘batlantirishni kuchaytirish va raqobatbardosh mahsulotlarni yetkazib berishni kengaytirish borasida qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-1731 sonli, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2004 yil 22 iyuldagagi “Korxonalarda xalqaro standartlarga muvofiq sifatni boshqarish tizimlarini joriy etish bo‘yicha tadbirlar to‘g‘risida”gi №349 sonli, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009 yil 19 iyundagi “Respublika korxonalarida xalqaro standartlarga muvofiq bo‘lgan sifatni boshqarish tizimlarini joriy etishni kengaytirishga doir qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi №173 sonli hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006 yil 29 avgustdagagi “Korxonalarda xalqaro standartlarga muvofiq sifatni boshqarish tizimlarini joriy etish bo‘yicha qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi №183 sonli qarorlarida soliq, bojxona, mahsulotlarni eksport jarayonlari va bank xizmatlari bo‘yicha ishlab chiqaruvchi korxonalarining imkoniyatlarini yanada kengaytirish maqsadida qator imtiyoz va qulayliklar berilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 26 martdagagi PQ-1731-sonli qaroriga asosan sifatni boshqarish tizimlarini joriy etayotgan mikrofirma va kichik tashkilotlarga yagona soliq to‘lovlarini kamaytirish tartibi qo‘llaniladi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar




Mahkamasining 2004 yil 22 iyuldagи №349 sonli qaroriga asosan sinov laboratoriyalariga ega bo‘lgan korxonalar belgilangan tartibda laboratoriya tekshirish va test sinovidan o‘tkazishda foydalaniladigan texnologiya jihozlari, shuningdek butlovchi buyumlar va ehtiyyot qismlarni chetdan keltirishda, agar ularni yetkazib berish texnologiya jihozlari yetkazib berish uchun tuzilgan shartnomalarida nazarda tutilgan bo‘lsa, bojxona to‘lovlardan, shu jumladan, qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod qilish tartibi qo‘llaniladi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009 yil 19 iyundagi 173-sон qaroriga asosan davlat ehtiyojlari uchun mahsulotlar xarid qilish yuzasidan tender savdolari o‘tkazishda boshqa teng shart-sharoitlarda ustunlik sifatni boshqarishning sertifikatlashtirilgan tizimiga ega bo‘lgan mamlakatimiz mahsulot yetkazib beruvchilariga beriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 21 iyuldagи 154-sон qarori bilan tasdiqlangan Nizomga asosan xalqaro standartlar bo‘yicha sifat tizimini joriy qilgan, shuningdek eksportbop mahsulot turlarini ishlab chiqarishni nazarda tutuvchi korxonalar, mahalliy lashtirish dasturiga kirishda, yuqorida mezonlarga muvofiq keladigan loyihalalar bo‘yicha afzalliklarga ega. Adliya Vazirligida 2697-sон bilan ro‘yxatga olingan “Tasdiqlangan Mahalliy lashtirish dasturi loyihalari amalga oshirilayotgan korxonalar tomonidan soliq va bojxona imtiyozlarini qo‘llash tartibi to‘g‘risida”gi Nizomda nazarda tutilgan imtiyozlar berilishi munosabati bilan bo‘sheydigan mablag‘lar sifatni boshqarish tizimini joriy etishga jalb qilingan korxonalarning muhandis-texnik xodimlarini rag‘batlantirishga yo‘naltiriladi.

Bugungi kunda sifat tizimlarini sertifikatlashtirish idoralari sonini 27 ta yetkazilib, shundan 8 ta sertifikatlashtirish idoralarini xalqaro darajada akkreditatsiyadan o‘tkazildi. Ushbu ishlarni rivojlanish maqsadida qo‘sishma ravishda 2 ta hududiy markazlari (Andijon va Samarqand) qoshidagi sifat tizimlarini sertifikatlashtirish idoralarini xalqaro akkreditatsiyadan o‘tkazish uchun Turkiyaning TURKAK tashkiloti tomonidan 2017 yilning 1-choragida xalqaro darajada akkreditatsiyadan o‘tkazildi.

Respublikada 17155 ta ishlab chiqaruvchi korxonalar mavjud bo‘lib, shundan 3306 tasi sertifikatlashtirildi. Agentlik tomonidan 3306 ta korxonalarga jami 3431 ta muvofiqlik sertifikatlari rasmiylashtirilgan bo‘lib, shundan ISO 9001 - 3134 ta, ISO 14001 - 54 ta, OHSAS 18001 - 68 ta, ISO 22000 - 72 ta, ISO 50001 - 11 ta, ISO/TS 16949 - 34 ta va GMP - 9 ta va uyg‘unlashgan MTni 55 ta tashkil etadi.

Bu ko‘rsatkich Respublika hududlari va iqtisodiyot tarmoqlari kesimida.





O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 19 oktabrdagi “2020 yilgacha bo‘lgan davrda Sifat milliy infratuzilmasini rivojlantirish Dasturini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 298-sonli qarori yuzasidan 2016 yilda rejalashtirilgan 785 ta (Vazirlar Mahkamasining Komplekslari kesimida 136 ta va hududlar kesimida 649 ta) korxonalar xalqaro standartlar asosida sertifikatlashtirildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 24 apreldagi PF-4720-son farmoniga asosan 2016 yilda hududlar kesimida sifat tizimlarini joriy etish bo‘yicha belgilangan jami 118 ta aksionerlik jamiyatlarida to‘liq xalqaro standartlar joriy etildi va sertifikatlashtirildi.

Shuningdek, Agentlik rabbariyati tomonidan tadbirdorlik subyektlariga bir munkha qulayliklarni yo‘lga qo‘yish uchun “Menejment tizimlarini sertifikatlashtirish tartibi to‘g‘risida”gi Nizom ishlab chiqildi va Adliya vazirligi tomonidan 2754-son bilan davlat ro‘yxatidan o‘tkazildi. Mazkur nizomga asosan korxonalarda joriy etilgan sifat menejmenti tizimlarini muvofiqligini tasdiqlash yuzasidan rasmiylashtirilgan muvofiqlik sertifikatlarining amal qilish muddati 3 yildan 5 yilga uzaytirildi.

Respublika hududlar kesimida jami 828 eksportyor korxonalarining 202 tasi sertifikatlashtirilib, shundan 151 tasi milliy darajada, 51 tasi xalqaro darajada sertifikatlashtirildi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, O‘zbekistonning iqtisodiy sohasidagi holatini yanada yaxshilash uchun vakolatli organ qonunlari faol ishlamoqda va tadbirdorlar ulardan unumli foydanib kelmoqda. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsad shundan iboratki, agar samarali sifat menejmenti tizimi yaratilsa va joriy etilsa, mijozlar ehtiyojlarini qondirish uchun sifatli mahsulotlar va xizmatlar ishlab chiqariladi. Shunday qilib, O‘zbekistonda sifat menejmenti tizimini milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda ishlab chiqish va dastlabki bosqichda o‘z faoliyatining sifatini yaxshilashga ko‘proq muhtoj bo‘lgan davlat organlarida uni joriy etish jarayonini boshlash bugungi kunning dolzarb mavzularidan hisoblanadi va bu o‘zining samarasini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. <https://lex.uz/uz/search/all?searchtitle=sifat%20menejmenti>
2. “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-4947-sonli Farmoni. 2017 yil 7 fevral.
3. Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.–Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2019.–64 b.



**СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
ЖАРАЁНЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ЎРНИ**

Искандаров.Х.Х
ТИҚҲММИ(МТУ) магистранти
Илмий раҳбар, проф.Умаров.С.Р
+9988944575797

Хозирги кунда глобал исиши шароитида сув тақчиллики ортиб борар экан, ҳар бир жамият табиий бойлики бўлган сувни тежашга ва оқилона сарфлаш имкониятларини учун замонавий технологиялардан фойдаланишни бошлиши лозим. Ушбу мақолада инвестицион фаоллик орқали замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ва таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сув хўжалиги, рақамлаштириш, инвестициялар, трансформация, кредитлар.

Сув хўжалиги тизимини рақамлаштириш борасида 2021 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот

2021 йилда вазирлик тасарруфидаги 3 099 та сув ўлчаш постларига “Ақли сув” қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган бўлсада, амалда 3121 та қурилма ўрнатилиб, йиллик режа ортиғи билан бажарилган.

Шунингдек, 426 та насос станцияларида сув сарфини онлайн назорат қилиш қурилмалари ўрнатиш режалаштирилиб, амалда 454 та қурилмалар ўрнатилган, режа 107 фоизга бажарилган.

Бундан ташқари, 2022 та мелиоратив кузатув қудукларига сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн мониторинг қилиш қурилмалари режалаштирилган бўлиб, амалда 2395 та қурилмалар ўрнатилган, режа 118 фоизга бажарилган. 20 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган.

Сув хўжалиги тизимини рақамлаштириш борасида 2020 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот

Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазер текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан жами 4 млрд. м³ сув тежалди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш орқали сувни самарали бошқариш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, KOICA, GIZ, БМТ Таракқиёт дастури, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда 98 та “Ақли сув” қурилмалари ўрнатилди, 10 та йирик гидротехника иншоотлари автоматлаштирилди, 6 та дастурий таъминот, мобиль илова ва геоахборот тизимлари маркази ташкил қилинди.

Хорижий инвестициялар иштирокида 2022 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Вазирлик тизимида 2022 йилда жами 163,14 млн. АҚШ доллари, шу жумладан 159,6 млн. доллар хорижий кредитлар ва 3,57 млн. доллар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ўзлаштириш режалаштирилган. Январь-март ойларида 12,91 млн. доллар миқдоридаги маблағларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда 15,57 млн. доллар (121%) маблағ ўзлаштирилди. Жумладан:

1. Осиё тараққиёт банки ва Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги иштирокидаги “Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш” лойиҳаси доирасида 6,75 млн. доллар (режага нисбатан 107%);

2. Жаҳон банки иштирокидаги “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳаси доирасида 3,83 млн. доллар (режага нисбатан 128%);

3. Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокидаги “Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (Фаза-III)” лойиҳаси доирасида 1,32 млн. доллар (режага нисбатан 163%) ўзлаштирилган;

4. Жаҳон банки иштирокидаги “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси доирасида 1,6 млн. доллар (режага нисбатан 106%);

5. Йслом тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини



бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси доирасида 2,08 млн. доллар (режага нисбатан 104%).

Ҳисобот даврида 532,6 минг гектар майдонда, шундан 206,9 минг гектар томчилатиб, 11,2 минг гектар майдонда ёмғирлатиб ва 5,9 минг гектар майдонда дискрем суғориш тизимлари жорий килиниб, 78,8 минг гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида ҳамда 20,9 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш тизимлари орқали суғориш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга 208,9 минг гектар кишлок хўжалиги экин майдонлари лазер ускунали ер текислагичлар ёрдами текисланди.

2021 йилда тежамкор суғориш технологиялари жорий қилинган 110,6 минг гектар майдон учун 876,8 млрд. сўм, жумладан, томчилатиб суғориши технологияси қўлланилган 93,9 минг гектар пахта майдони учун 754,7 млрд. сўм, 12,5 минг гектар боғ ва узумзорларда жорий қилинган томчилатиб суғориши ва бурғиланган қудуклар учун 93,8 млрд. сўм ҳамда 4,1 минг гектар бошқа экин майдонларида жорий қилинган сув тежовчи технологиялар учун 28,3 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратиб берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил учун мўлжалланган Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти раислигига 26 май куни инвеститсия масалалари бўйича видеоселектор йигилиши баёноти.
3. Инвеститсия ва Лизинг асослари – К.З. Ҳомитов, А.Н. Маҳмудов.

Интернет сайтлари

<https://water.gov.uz/>

Stat.uz

Fayllar.org



ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Эргашев Акмал Абдурасул ўғли,
Термиз давлат университети магистранти

Аннотация: Маколада иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳдил этилган. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Жамият, иқтисодиёт, қонунчилик, ҳуқуқий асос.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маънавий соҳалари миллийлик рухи билан суғорилиб яратилди. Сиёсий йўналишда юртимизнинг мустақил демократик республика эканлиги, ҳокимиятни амалга оширишда халқнинг яккаҳокимлиги таъминланганлиги, унинг ҳудудида бирорта қоида ҳам унинг розилигисиз ўрнатилмаслиги, ўзга давлатлар билан халқаро ҳуқуқ нормалари асосида муносабат юритиши белгиланган. Ижтимоий муносабатларда, умуминсоний қадриятлар, миллатларнинг қонун олдида тенглиги, давлат ўзининг ҳар бир фуқароси учун хизмат қилиши, шахс, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланади. Иқтисодий йўналишда давлатнинг ишлаб чиқариш маҳсулотларининг қай тарзда яратилиши, тақсимланиши, мулк шакллари, эгалик қилишнинг турлари мужассамланган. Маънавий соҳада олиб қараганимизда, давлат ҳокимиятини амалга оширишда унинг келиб чиқиши, миллийлиги, тарихий анъаналарига қатъи риоя этилиши таъминланади, инсон учун энг муҳим бўлган эркинлик ғояларини улуғлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 12-боби “Жамиятнинг иқтисодий негизлари”га бағищланган. Бу ўринда нафақат давлатнинг, жамиятнинг иқтисодий негизлари белгиланганлиги чуқур маъно касб этади ва ўз ичига хусусий мулкка асосланган нодавлат секторни ҳам қамраб олади. Ушбу бобни ишлаб чиқишда бошқа бобларга нисбатан қонун чиқарувчи олдида мураккаброқ вазифалар турган. Энг авввало, мамлакатимизнинг иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси ва унинг иқтиқбол йўналишлари аниқ равshan бўлиши лозим эди.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда Конституциямиз асосида давлат ва жамият қурилиши соҳасида изчиллик билан чуқур ислоҳотлар амалга оширилди ҳамда бу ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланган бир қатор янги қонунлар қабул қилинди.

Республикамида амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар шароитида Асосий Қонунимиз қуйидаги вазифаларни бажармоқда:

Биринчидан, Конституциямиз ўз мазмун-моҳиятига кўра юридик табиатга эга бўлган ҳужжат бўлса-да, у иқтисодий қонунларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган ҳамда ўзида бу турдаги қонунларнинг мазмунини ҳам ифодалайди. Конституциямиз юридик ҳужжат сифатида ўзининг тартибга солиш вазифасини аъло даражада бажармоқда. Конституциямизда белгиланган қоидалар стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини барпо этишнинг барча босқичларига, умуман олганда эса, ижтимоий муносабатлар ривожланишининг барча босқичларига мос келади.

Иккинчидан, Асосий Қонунимиз эркин бозор иқтисодиётини барпо этишнинг умумий тамойилларини белгилаб беради ва шу асосда иқтисодий ҳаётни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун муҳим ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Учинчидан, жаҳонда иқтисодий инқизорз авж олган ҳозирги шароитда ҳам Конституциямизнинг жамиятнинг иқтисодий асосларини белгилаб берувчи қоидалари ва унинг асосида қабул қонунлар ўзининг ҳаётйлиги ва узоқ муддатга мўлжалланганлиги амалда намоён этди.

Шу ўринда, Конституциямизда эркин бозор иқтисодиётини барпо этишнинг умумий тамойилларини сифатида белгиланган қоидаларни эслатиб ўтсак:

- хилма-хил мулк шаклларининг тан олиниши;
- истеъмолчилар ҳуқуқлари устунлигининг белгиланиши;
- иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигининг кафолатланиши;
- барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар



ҳимоя қилиниши;

– хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги.

Конституциямиз амалга киритилганидан кейин унда белгиланган қоидаларга зид келувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинди. Хусусан, маъмурий буйруқбозлик тузуми шароитида амал қилган ва хусусий мулкни чеклайдиган “бир инсонга битта уй (турап жой)” қоидаси, собиқ иттифоқ даврида чайқовчилик сифатида баҳоланганд тадбиркорлик фаолиятини чекловчи қоидалар ҳам бекор қилинди. Бу эса ўз навбатида Асосий Қонунимизнинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларини амалга оширишда тутган ўрнини қўйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аник, салмоқли ҳамда демократик руҳдаги қоидалар акс этган бўлиб, ушбу қоидалар халқаро ҳукуқнинг, халқаро нормаларнинг юксак талабларига жавоб беради. Шу билан бирга, Конституцияда умумбашарий қадриятларга ҳам юксак баҳо берилган. Конституциянинг ғоят муҳим аҳамияти ҳам, унинг ўзидан аввалги барча конституцияларидан афзаллиги ҳам мана шундадир [1];

Иккинчидан, Конституция мулкка бўлган муносабат ўзгартирилиб, мулкнинг барча шакллари – давлат, кооператив, хусусий мулк ва бошқа мулк шаклларининг тенг ҳуқуқли тарзда мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун имконият яратди. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади, – дейилади Конституцияда, – Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин;

Учинчидан, Конституциямиз қонунлар ва бошқа қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у миллий қонунчигимизни озиқлантирадиган ва унинг ривожланиш йўл-йўриқларини, усул ва услубларини кўрсатиб берувчи ўзига хос методология саналади [2];

Тўртингчидан, Асосий қонун бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган ва стратегик дастури вазифасини ўтамоқда.

Бешинчидан, умумбашарий қадриятларга ва демократик тамойилларга таянган Конституциямиз бозор иқтисодиётининг ривожланишига, эркин бозор муносабатларининг тараққий этишига кенг йўл очди ва бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий кафолати сифатида хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. Тошкент: Шарқ. 2002. – Б.82.
2. Полвонзода А. Қонунлар ижроси - тараққиёт кафолати. //Ҳаёт ва қонун. 2004 йил. - №1. – Б.12.



MONOPOLIYA. MONOPOLIYANING SALBIY TARAFLARI

Sharofiddinov Nozimjon O'ktam o'g'li

Ijtimoiy iqtisodiy fakulteti

5230100 – Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar) yo'nalishi

96-20 guruh talabasi

sharofiddinovnozim30@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolda monopoliya va uning turlari haqida qisqacha ma'lumot berilgan. Undan tashqari maqolada monopoliya ko'p bo'lgan mamlakatlar iqtisodi haqida aytib o'tilgan.

Kalit so'z: monopoliya, iqtisod, yunoncha, tanho sotaman, legal monopoliya, sun'iy monopoliya, aligopolya, monopsoniya sof monopoliya

MONOPOLIYA (yun. mono — tanho, poleo — sotaman) — iqtisodiyotning bir sohasida tanho hukmronlik; bozorni tashkil etish shakli. Bunday bozorlarda yagona sotuvchi o'z tovari bilan fa-oliyat ko'rsatadi, boshqa tarmoqlarda bunday tovarning o'rinnbosari bo'lmaydi. Monopoliya ishlab chiqarish vositalari, ish kuchi va yaratilgan mahsulotlar asosiy qismining ozchilik korxonalar, so-hibkor shaxslar yoki davlat qo'lida to'planishi natijasida paydo bo'ladi. Monopoliya ko'rinishlari qadimdan mavjud. Noyob maxsulot yetishtiriladigan yerlar, konlar, suv havzalari, o'rmonlar va b. tabiiy manbalar ozchilik qo'lida to'planib, egalariga monopol mavqe bergen, ular ma'lum mahsulotni bozorgatanho yetkazib beruvchilarga aylanib, u yerda hukmron bo'lganlar. Monopoliya o'z tabiatiga ko'ra i. ch. da turg'unlik paydo qiladi, chunki monopol mavqega tayanib, sarflarni kamaytirmay foyda ko'rish, raqobatning yo'qligi yoki zaifligidan foydalanib bozorga o'z izmini o'tkazish mumkin. Monopoliya bozor munosabatlarini cheklaydi, shu sababli hatto bozor iqtisodiyoti hukmron davlatlar mono-poliyaga qarshi choratadbirlarni ko'radilar. Monopolianing asosiy shakllari — kartel, sindikat, trest, konsernlar hisoblanadi (q. Monopoliyaga karshi sonunchilik).

Monopoliyalar vujudga kelishining moddiy asosi ishlab chiqarishning to'planishi hisoblanadi. Ishlab chiqarishning to'planishi ishlab chiqarish vositalari, ishchi kuchi hamda mahsulot ishlab chiqarish hajmining yirik korxonalarda to'planishini namoyon etadi. Monopolianing 6 turi mavjud bo'lib ular:

1. Tabiy monopoliya
2. Legal monopoliya
3. Sun'iy monopoliya
4. Aligopolya
5. Monopsoniya
6. Sof monopoliya

Sof monopoliya – tarmoqdagi yagona ishlab chiqaruvchi yoki sotuvchini narx va ishlab chiqarish hajmini belgilashda yakkahukumron hisoblanadi. Oligopolya – tarmoqdagi bir nechta yirik ishlab chiqaruvchi yoki sotuvchining narx va ishlab chiqarish hajmini belgilashda hukmronlik qiladi. Monopsoniya – tarmoqdagi ishlab chiqaruvchi yoki sotuvchilar soni juda ko'p bo'lib, ular tovar yoki xizmatlarning yagona iste'molchisi yoki xaridori mavjud bo'lgan sharoitdagi yakkahukumronlik holati hisoblanadi.

Monopolianing vujudga kelish sabablari: tabiiy monopoliya – korxonaning texnologik xususiyatlari sababli mahsulotga bo'lgan talabni qondirish raqobat mavjud bo'lmagan sharoitda samaraliroq amalga oshiriluvchi tovar bozor holati legal(qonuniy) monopoliya – bu qonuniy tarzda tashkil etiluvchi monopolistik holatdir: patent tizimi, mualliflik huquqi, tovar belgisi. Sun'iy monopoliya – monopol foyda olish maqsadida tashkil etiluvchi birlashmalarning shartli (tabiiy monopollardan ajralib turishi uchun) nomi.

Ishlab chiqarishning eng yuksak darajadagi texnologiyasiga erishib, qolgan raqiblarining bu darajaga chiqishiga imkon bermaydi; - ishlab chiqarish miqyosi samarasidan unumliroq foydalanish imkonini beruvchi nisbatan yirik hajmdagi kapitalni qo'llaydi; - o'z faoliyatini yuqori darajada reklama qilish orqali boshqa raqobatchilarni bozordan siqib chiqarishga harakat qiladi.

Iqtisodiyotning biron-bir sohasida tanho hukmronlik; davlat, korxona yoki jismoniy shaxslarning ishlab chiqarish, savdo, hunarmandchilik sohasida faoliyat olib borishi uchun berilgan alohida xuquqi. ♦ Monopoliyaga qarshi qonunchilik. Monopoliyadan chiqarish.



Muayyan ishlab chiqarish yoki uning katta bir qismini, shuningdek, biron-bir tovar sotishni o‘z qo‘liga olgan yirik xo‘ja-lik birlashmasi (kartel, sindikat, trest, konsern va sh.k.).

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Monopoliya>
2. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/m/monopoliya/>
3. <http://www.hozir.org/mavzu-raqobat-va-manopoliya.htm>



САНОАТНИНГ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Содиқова Феруза

Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчisi

Аннотация: Мақолада раҷамли трансформация, ривожланиш стратегияси, ишлаб чиқарши самарадорлиги, рақобатдоши устунликлар каби тушиунчалар муҳокама қилиниб, саноат корхоналарининг фаолиятига раҷамли трансформация таъсири ҳамда асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқшига пухта ёндошиши муҳимлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: раҷамли трансформация, иқтисодий ривожланиш стратегияси, ахборот технологиялари, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқарши самарадорлиги, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари

Саноатнинг раҷамли трансформацияси саноат секторининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида раҷамли ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали бир технологик режимдан иккинчисига ўтишни акс эттирувчи жараёндир. The Boston Consulting Group (BCG) маълумотларига кўра, раҷамли иқтисодиётнинг (веб ёки интернет иқтисодиёти) глобал ялпи ички маҳсулотдаги улуши хозирда 5,5 фоизни ташкил этади. Рольанд Бергер (2015) ҳисоб-китобларига кўра, Европа саноатнинг раҷамли трансформацияси 2025 йилга бориб 1,25 триллион евро қиймат яратиши мумкин. Ахборот ва коммутация технологияларининг (АКТ) ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлган мамлакатда раҷамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси одатда турли кўрсаткичлар билан баҳоланади: раҷамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, АКТ соҳасига инвестициялар ҳажми, Интернет тезлиги, унинг мамлакатимиз худудини қамраб олиши ва аҳоли фойдаланиши учун қулайлиги, электрон тижоратнинг ривожланиш даражаси, электрон хукumat тизимида давлат хизматларининг улуши, АКТ соҳаси ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислар билан таъминланганлиги, бундан ташқари, мамлакатда ахборот технологияларининг ривожланиш даражасини баҳоловчи халқаро рейтинглардаги кўрсаткичлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг “Ахборот ва алоқа” соҳасида яратилган ялпи кўшилган қиймат 2016 йилдан бўён 4,4 триллион сўмдан 2020 йилда 8,8 триллион сўмга, “ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолият тури бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 6,3 триллион сўмдан 12,9 трлн. сўмга, яъни икки бараварга ўсган.

Ўзбекистонда саноат соҳасида раҷамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш бўйича ташаббус дунёнинг турли мамлакатларида, интеграцион бирлашмаларда, хусусан, Европа Иттифоқида, шунингдек, йирик трансмиллий компанияларда раҷамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам туртки бўлди.

Ҳозирги даврда раҷамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат ва электрон бизнес ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида, республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси президенти 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаъатномасида ҳам мамлакатимизда раҷамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича 2020-йилга “Илм, маърифат ва раҷамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш борасида [1], шунингдек, республикамизда раҷамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида тадбиқ қилиш учун замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда раҷамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида раҷамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди, ҳамда ЎзР Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “Ўзбекистон Республикасида раҷамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин.



Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши нафақат иқтисодиётда, балки жамиятнинг ўзида ҳам туб ўзгаришларга олиб келади. Шундай қилиб, ахборот харажатларининг пасайиши туфайли рақамли технологиялар давлат, компаниялар ва жисмоний шахслар учун иқтисодий ва ижтимоий операциялар нархини сезиларли даражада пасайтиради, инновацияларни рағбатлантиради, бунда транзаксия харажатлари деярли нолга тенг бўлади, шунингдек самарадорликни кескин оширади: мавжуд фаолият ва хизматлар арzonроқ, тезроқ ёки қулайроқ бўлиш. Ниҳоят, рақамли технологиялар интеграцияни осонлаштиради: одамлар илгари мавжуд бўлмаган хизматлардан фойдаланишлари мумкин [2].

Корхоналарни рақамлаштириш контсепцияси сўнгги йилларда бизнес учун мавжуд бўлган янги технологияларни жорий қилиш билан боғлик: катта маълумотларни таҳлил қилиш ва машиналарни ўрганиш, сунъий интеллект, роботлаштириш, нарсалар Интернет (IoT), ЗД босиб чиқариш, булатли ҳисоблаш. Рақамлаштиришни ривожлантириш ва рақамлаштиришга кириб келишининг дастлабки шартлари технологиялар ва ҳисоблаш куввати нархларининг пасайиши, шунингдек маълумотларни узатишнинг юкори тезлиги имкониятларининг ошиши бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagи PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”-gi Farmoni
2. Word Bank. World Development Report 2016: Digital Dividends / Word Bank Group, 2016.
3. OECD Digital Economy Outlook 2012/ OECD Publishing, 2012.



TADBIRKOR KIM VA UNING SHAKLLARI HAQIDA

Sharofiddinov Nozimjon O'ktam o'g'li

Ijtimoiy iqtisodiy fakulteti

5230100 – Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar) yo'nalishi

96-20 guruh talabasi

sharofiddinovnozim30@gmail.com

Xolmatov Islomjon G'ulom o'g'li

Guliston Davlat Universiteti

Rus tili va adabiyoti yo'nalishi talabasi

islomxolmatov9@gmail.com

+998933247773

Annotatsiya: Ushbu maqolada tadbirkolar va ularining turlari haqida ma'lumot berilgan. Tadbirkorlarda qandey hislatlar bo'lishi kerakligi haqida ham aytib o'tilgan.

Kalit so'z: tadbirkor, yakka tartibdagi tadbirkor, tavvakalchilik, biznes, inglizcha: business — “bandlik”, xususiy tadbirkorlar.

“Tadbirkor” deganda daromad olish maqsadida, mas'uliyatni zimmasiga olgan holda, jamiyatga foyda keltiruvchi biron-biri iqtisodiy faoliyat bilan shug'ullanadigan shaxs tushuniladi.

“Biznes” va “tadbirkorlik” tushunchalarining mohiyati bir xil. Biznes-tadbirkorlik iqtisodiy kategoriya bo'lib, u xo'jalik yuritish usuli, iqtisodiy faoliyat turidir. Tadbirkorlik sub'ektlari turlichadir: ular-yakka xususiy tadbirkorlar, jismoniy shaxslar, korxonalar, tashkilotlar, ular nomidan ish yurituvchi yuridik shaxslar, hissadorlik jamiyatlari, jamoalari, shuningdek davlat korxonalarini tadbirkorlik asosida faoliyat yuritayotgan bo'lsa sub'ekti bo'lishi mumkin. Ammo davlatning tadbirkorligining tartibi va unga amal qilinishi nazorati bilan shug'ullanuvchi tashkilotlari, xodimlari tadbirkorlik sub'ekti bo'la olmaydi. Chunki daromad olish uchun sarmoyadan foydalanish imkoniyatiga ega bo'lganlar tadbirkorlikning real sub'ekti bo'la oладilar. Tadbirkorlik faoliyati bilan shu'gullanish taqiqlangan mansabdar shaxslarning ro'yxati mayjud bo'lib, u Vazirlar Mahkamasining qarori bilan tasdiqlangan.

Tadbirkorning qanday vazifani bajarishiga yo'nalganligiga ko'ra ishlab chiqarishni boshqarish, moliyalashtirish, vositachilik, tijoratchilik, turli xizmatlar ko'rsatish va maslahatlar berish ko'rinishida bo'lishi mumkin.

Tadbirkorlik yoki biznes (inglizcha: business — “bandlik”), deb har qanday qonuniy tijorat faoliyatiga aytildi. Tadbirkorlik bilan shug'ullanuvchi shaxs tadbirkor, deyiladi. Xususiy tadbirkorlik kapitalistik iqtisodiyot negizidir. Sotsialistik iqtisodiyotlarda tadbirkorlik bilan hukumat, jamiyat yoki ishchilar kasaba uyushmalari shug'ullanadi.

Tadbirkorlik xo'jalik yuritish ko'lamiga qarab, yirik, o'rta va kichik turlarga bo'linadi. Yirik tadbirkorlik ishlab chiqarishda 500 dan ortiq kishi band bo'lgan, o'rta tadbirkorlik esa 20 — 500 kishi band bo'lgan korxona firmalar, kichik tadbirkorlik 10 — 20 va undan kam kishi ishlaydigan korxonalarini qamraydi. Yirik va o'rta tadbirkorlikka, asosan, yirik ishlab-chiqarish, ko'p sonli tovarlar chiqaradigan, mexanizatsiyalashgan hamda avtomatlashgan sohalar kiradi. Kichik tadbirkorlik qishloq xo'jaligi, aholiga xizmat ko'rsatish sohalarida keng tarqalgan. Kichik tadbirkorlik sharoitga tez moslasha olishi bilan boshqalaridan farqlanadi va shu bois u keng tarqalgan.

Ikki va undan ortiq kishining foyda olish maqsadida kelishuv (shartnoma) asosida o'z mablag'larini birlashtirgan holdagi tadbirkorlik faoliyati shaklidir.

Shirkatlar ikkita ko'rinishga bo'linadi:

• to'la yoki oddiy shirkatlar - to'la shirkatda uning barcha a'zolari teng huquqqa ega bo'ladilar.

• mas'uliyati cheklangan shirkatlar - mas'uliyati cheklangan shirkatda uning bir a'zosi to'la huquqqa ega bo'lib, qolganlarning huquqlari cheklangan bo'ladi va shirkatning qarzlari uchun javobgar bo'lavermaydi, moliyaviy hujjalarga ham imzo qo'ya olmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://telegra.ph/Tadbirkor-kim-Va-uning-shakllari-haqida-12-13>

2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tadbirkorlik>

3. <https://docplayer.info/118992735-Senarai-ahli-kesatuan-kakitangan-sokongan-satu-international-islamic-university-malaysia-kesatu.html>



MEASURES AND INDICATORS OF ORGANIZATION OF LABOR RESOURCES ACTIVITY.

Urakov Mamurali Odil oglu

Doctoral student of the Faculty of
Economics of the National University of Uzbekistan.

Annotation: The article provides feedback on the socio-economic content of labor resources, the criteria for organizing their activities. It is also based on theories of labor resources and theories of systematic organization of their activities.

Keywords: labor resources, socio-economic, criteria, opinions, systems, theories.

Labor resources are defined as a set of able-bodied people who participate in social production with their mental and physical labor. It follows from this definition that the labor force includes both those who are employed in the economy and those who are able to work even if they are not employed.¹

Human resources are people who not only create material goods, but also consume them. People are not the same in terms of their material and spiritual needs. This is due to gender, age, health, marital status, level of education and other social, psycho-physiological characteristics. Thus, “labor resources” are broader in meaning than “economically active population.” In addition to the economically active population, the labor force also includes students of working age, as well as housewives of this age and the rest of the country’s population, ie those who are not unemployed for some reason, even if they are not unemployed.²

Labor resources - able-bodied population of working age and persons engaged in labor under the age of working age and older;³

Able-bodied population - able-bodied people (men aged 16 to 60 and women aged 16 to 55), except for the first and second groups of disabled people who do not work and receive pensions on preferential terms according to age;

The balance of labor resources is a system of indicators that reflects the number and composition of labor resources and their distribution among the employed, unemployed and economically inactive population.⁴

1 Abdurahmanov Q.X. et al. Labor economics: social labor relations. Textbook. 2011.494 p.


2 Tolametova Z.A. Labor economics and sociology. “Science and Technology” 2017. 400 pages. Tolametova Z.A. Labor market and employment. Study guide. T.: “Universitet”, 2005. Tolametova Z.A. Directions for the development of the labor market in the process of modernization of the economy. Tashkent. Economics. 2014. 303 pages.

3 [https://nrm.uz/contentf?doc=529791_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_mehnat_resurslari_bandlik_va_aholini_ishga_joylashtirish_balansini_ishlab_chiqish_hamda_ishga_joylashtirishga_muhtoj_mehnat_bilan_band_bo%E2%80%98lмаган_aholini_hisoblash_metodikasi_\(o%E2%80%98zrvm_22_12_2017_y_1011-son_qaroriga_4-ilova\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=529791_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_mehnat_resurslari_bandlik_va_aholini_ishga_joylashtirish_balansini_ishlab_chiqish_hamda_ishga_joylashtirishga_muhtoj_mehnat_bilan_band_bo%E2%80%98lмаган_aholini_hisoblash_metodikasi_(o%E2%80%98zrvm_22_12_2017_y_1011-son_qaroriga_4-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)
Development of a balance of labor resources, employment and employment of the Republic of Uzbekistan and the methodology for calculating the unemployed population in need of employment.

4 Development of a balance of labor resources, employment and employment of the Republic of Uzbekistan and the methodology for calculating the unemployed population in need of employment.




Table 1.
According to the methodology of the International Labor Organization, human resources.¹



“Formation of labor resources” means the constant renewal of labor resources.²

To determine how labor resources are formed, first, labor resources are divided into three major age groups - able-bodied people, younger than able-bodied and older able-bodied people, secondly, the factors influencing the population of each group and its change, and thirdly, labor resources. and general and specific aspects of the natural and mechanical transformation of the population.³

Table 2
Stages of formation of labor resources.⁴



The vast majority of the labor force consists of the able-bodied population of working age. Older people, able-bodied retirees and practically “zero” people, people under working age, working teenagers do not play a significant role in the share of labor resources.

Labor resources not only create material goods, but also consume them. They are not the same in material and spiritual needs. This is due to their gender, age, health, marital status, level of education and other social, psycho-physiological characteristics. Therefore, one is not the same as the other.⁵

Everyone must have a certain level of physical and spiritual development in order to be able to work in a field of their choice. The level of physical development is determined, on the one hand, by the needs of the economy and, on the other hand, by society's interest in protecting and strengthening the health of its citizens, as citizens are one of the most important assets of human society. The level of spiritual development means general and professional knowledge and skills, personal characteristics

1 Gulnora Abdurahmonova. Labor Economics: Textbook - T .: Innovative Development Publishing House, 2020. - 21 p.

2 Tolametova Z.A. Labor economics and sociology. “Science and Technology” 2017. 400 pages.

3 Tolametova Z.A. Labor market and employment. Study guide. T .: “University”, 2005.

4 Gulnora Abdurahmonova. Labor Economics: Textbook - T .: Innovative Development Publishing House, 2020

5 Tolametova Z.A. Directions for the development of the labor market in the process of modernization of the economy. Tashkent. Economics. 2014. 303 pages



Table 3

Labor resources and related concepts.¹

Iqtisodiy atamalar	Iqtisodiy atamalar talqini
Inson	Mehnat qilish qobiliyatining egasi
Moddiy resurslar	Moddiy ashyo omillari; yer va kapital
Inson resurslari	Insonning mehnat qilish va tadbirdorlik qobiliyati
Inson kapitali	Inson tomonidan ne'matlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish jarayonida foydalaniladigan qobiliyat va sifatlar zahirasining jamlanmasi
Ish kuchi	Inson mehnat faoliyati jarayonida foydalanadigan jismoniy va ma'nnaviy qobiliyatlarining jamlanmasi
Mehnat resurslari	Mehnatga layoqatli yoshda bo'lgan mehnatga layoqatli aholi hamda mehnatga layoqatli yoshdan tashqari yoshda (pensionerlar va o'smirlar) mehnat qilavotgan shaxslarning yig'indisi
Iqtisodiy faol aholi	Iqtisodiy faolligini belgilash uchun o'rnatilgan yoshda bo'lgan, tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish uchun taklif etiladigan ishchi kuchi: iqtisodiy faoliyatining barcha sohalarida ish bilan band bo'lganlar, ishsizlar va ish kuchini taklif etayotgan boshqa aholi
Iqtisodiy faol bo'limgan aholi	Aholi iqtisodiy faolligini belgilash uchun o'rnatilgan yoshda bo'lgan, ish bilan band bo'limganlar, lekin ish qidirmayotganlar va ishlashga tayvor bo'limganlar

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг таркиби.²

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2021
Меҳнат ресурсларининг умумий сони (минг киши)	2469,0	14453,2	16726,0	18276,1	20412,0
Ахоли умумий сонига нисбатан %	50,6	55,2	58,6	58,4	56,7

Yuqorida jadvaldan ko'rishimiz mumkinki, mehnat resurslari ko'payib bormoqda lekin foiz ko'inishida kamayib bormoqda. Bu mamlakatimizda mehnat resursiga kirmaydigan qaatlarni ko'payib borayotgagini anglatadi.

References:

1. Abdurahmanov Q.X. va boshq. Mehnat iqtisodiyoti: ijtimoiy mehnat munosabatlari. Darslik. 2011.494 б.
2. Tolametova Z.A. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. “Fan va texnologiya” 2017. 400 bet.
3. Tolametova Z.A. Mehnat bozori va aholi bandligi. O'quv qo'llanma. T.: “Universitet”, 2005.
4. Tolametova Z.A. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida mehnat bozorini rivojlantirish yo'nalishlari. Toshkent. Iqtisodiyot . 2014 . 303 bet.

1 Kalandar Abdurahmonov. Mehnat iqtisodiyoti: Nazariya va amaliyot/Darslik. Kalandar Abdurahmonov. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti davlat korxonasi, T.: 2019-145 b

2 www.statistika.uz O'zbekiston Respublikasi Statistika qo'mitasi ma'lumotlar asosida muallif tomonidan tayyorlangan.



5. [https://nrm.uz/contentf?doc=529791_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_mehnat_resurslari_bandlik_va_aholini_ishga_joylashtirish_balansini_ishlab_chiqish_hamda_ishga_joylashtirishga_muhtoj_mehnat_bilan_band_bo%E2%80%98lмаган_aholini_hisoblash_metodikasi_\(o%E2%80%98zr_vm_22_12_2017_y_1011-son_qaroriga_4-ilova\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=529791_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_mehnat_resurslari_bandlik_va_aholini_ishga_joylashtirish_balansini_ishlab_chiqish_hamda_ishga_joylashtirishga_muhtoj_mehnat_bilan_band_bo%E2%80%98lмаган_aholini_hisoblash_metodikasi_(o%E2%80%98zr_vm_22_12_2017_y_1011-son_qaroriga_4-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana) Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва ахолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чишиш ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган ахолини ҳисоблаш методикаси.

6. Gulnora Abduraxmonova. Mehnat Iqtisodiyoti: o'quv qo'llanma – T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. - 21 b.

7. www.statistika.uz official site of the Statistics Committee of Uzbekistan.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000